

THE PROBLEMS OF JOINT STUDY OF THE PROBLEMS OF ARTISTIC TRANSLATION AND LITERARY STUDIES

**Bakaeva Muhabbat Kayumovna,
Bukhara State University, Professor of English Literature and
Stylistics Department,
bakaeva.muhabbat@yahoo.com**

Abstract: The article discusses the problems of joint study of the problems of artistic translation and literary studies

Keywords: translation, literary studies, translator, joint study

Рус таржимашунослигининг мумтоз намояндаси А.В. Фёдоров таржимашуносликда икки йўналиш, яъни тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишлари мавжудлигини эътироф этар экан, бадий адабиёт таржимасида стандарт ечимлар йўқлигини, мутаржим ҳар бир матнга алоҳида ёндашиши кераклигини уқтиради.[2,19]

Шак-шубҳасиз, бадий асарлар таржимонининг ҳар бир ўгирилаётган матнга алоҳида ёндашмай иложи йўқ, чунки ҳар бир адиб ўзининг нодир услубига эга. Л.И.Тимофеев таъкидлаганидек, икки нафар бир хил одам бўлиши мумкин эмаслигидек, икки бир хил ёзувчи ҳам йўқ. [4,б.403] Таржимада ҳам шу нодирлик ва хилма-хиллик акс этиши керак. Шунингдек, таржимон аслият муаллифининг қайси оқимга алоқадор эканлигини унутмаслиги, бунинг учун эса у адабиётшунослик муаммолари билан яқиндан таниш бўлиши лозим.

Бадий таржимани адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганишнинг камрови жуда кенг. Ҳар бир таржимашунос олимнинг асарини ўрганар экансиз, унда изланиши керак бўлган анчагина мавзуларга дуч келасиз. Устоз Ғайбулла Саломов : “... дадил айтиш мумкинки, таржима тарихини яратмай, таржиманинг ҳар бир даврда қандай қонуниятлар асосида ривожлангани, айти миллий адабиёт тараққиётида қандай таржима мактаблари ташкил топганлиги ва бу таржималар жаҳон маданиятини ривожлантиришда қандай роль ўйнаганини аниқламай туриб, ўша миллий адабиёт тарихини тўла, мукамал ёритиш мумкин эмас.” [3, б.37]

Бадиий таржималар ҳақида илмий ишлар ёзганда, уларга қандайдир тил бирликлари “яхши таржима қилинган”, “ноғўғри таржима қилинган” қабилида эмас, балки уларнинг ғоявий мазмуни, муаллифнинг ирдивидуал услуби, унинг қайси адабий оқимга тааллуқли эканлиги, эстетик таъсири, тарихий хусусиятлари, шакл ва мазмун муносабатидаги ўрни каби масалаларга эътибор қаратиш аҳамиятлидир.

Хорижий тиллардан ўзбек тилига бевосита таржима амалиёти жонлангани яхши, таржимонлар кўпаяётганлиги яхши, аммо бу таржималар аслият тилини билувчилар томонидан талаб даражасида таҳлил қилинмай, таҳрир қилинмай босилиб чиқаётганлиги салбий ҳол. Баъзи бир бадиий таржималарни ўқиганингизда, уларда тил ва услуб жиҳатидан аслиятга ҳеч қандай яқинлик йўқлигини, фақатгина мазмун бир амаллаб таржима қилинганлигининг гувоҳи бўласиз. Баъзида эса янги таржимонлар асари ўгирилаётган муаллифнинг ижодий йўлини етарлича таҳлил қилишмаган бўлсалар керак, деган фикрга борасиз.

Рус таржимони ва таржимашуноси Н.А.Заболоцкий, ўзининг кўп йиллик тажрибасига таяниб: “бадиий асар таржимаси сўзлар таржимаси эмас”, - деган экан. [1, б.427] Бу кўп йиллик таржимонлик тажрибасидан келиб чиқиб айтилган фикр бўлиб, чиндан ҳам бадиий асардаги ҳар бир сўз, ҳар бир услубий восита, ҳар бир гап асарнинг ғоявий мазмуни, унинг архитектоникаси билан узвий боғлиқ бўладики, уларни асар хусусиятларидан ажратиб алоҳида таҳлил этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Устоз адабиётшунос Уммат Тўйчиевнинг ёзишича,- “Адабий асарнинг баҳолаш ўлчови бўлган бадиийлик тарихий ҳодисадир. Яъни ҳар бир давр, адабий жараённинг ўз бадиийлиги бор, ёки бадиийлик мезонлари тарихан аниқ маънога эга бўлади. Бундай бадиийлик давр ва адабий жараённинг эстетик идеали ва мафкураси тақозосига биноан ўзгариб боради. Бир даврда яратилган асарни бошқа даврнинг бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари билан ўлчаш мумкин эмас. Чунки муайян даврнинг бадиийлик мезонлари бошқа даврга айнан мос келмаслиги мумкин.”[5, б.502-503] Бадиий таржима амалиёти ва назарияси билан шуғулланувчилар ҳам адабий асарларнинг бу хусусиятларини унутмасликлари керак.

Европа ва Америка адабиётидан ўзбек тилига бадиий таржима жараёнида яна бир муаммога дуч келинадики, бу турли мамлакатлар адабиётшунослигида адабий оқимларнинг ўрганилиши даражасига боғлиқ. Жумладан ўзбек адабиётшунослигида романтизм, реализм, социалистик реализм, танқидий реализм каби оқимлар ўрганилган, аммо 19-21- асрларда Европа ва Америка адабиётида тараққий этган символизм, модернизм, постмодернизм, натурализм, эстетизм, реализмнинг янги кўринишлари сирли реализм (magic realism), янги реализм (new realism) ва яна кўпгина адабий оқимлар ҳақида ёки умуман маълумот йўқ, ёки бору жуда кам. Таржимон эса

адабий оқимлар орасидаги фарқлардан воқиф бўлиши, улар ҳақида аслият тилидаги маълумотлардан фойдаланиши лозим, акс ҳолда эстетизм ёки модернизм услубида ёзилган асарни реализмга буриб юбориши мумкин.

Замонавий таржимашуносликнинг навбатдаги долзарб муаммоларидан бири фильмлар дубляжи масаласидир. Буни ўзбек таржимашунослигининг анчагина оқсаган соҳаси десак ҳам бўлади. Маълумки, фильмларни таржима қилиш анча мураккаб бўлиб, бунда маънони тўғри таржима қилиш билан бирга, уни лаб, қўл ва бошқа ҳаракатларга мослаштириш ҳам керак. Шу боис мутаржимлар таржимага баъзи бир ўзгартиришлар киритишга мажбур бўлишади, аммо бунда ҳам маълум қонуниятлар, чегаралар мавжуд. Фильм сарлавҳалари бундан мустасно, чунки улар ҳаракатлардан ташқарида. Табиийки, бунда ҳам ўзбек томошабинининг қабул қилиш имкониятлари ва хусиятларига қараб, айрим ўзгаришлар, яъни трансформациялар амалга оширилади.

Аммо баъзида шундай трансформациялар амалга ошириладикки, уларни оқлаб бўлмайди. Мана бир мисол, кўпчилик кўрган бўлса керак, испан киноижодкорлари томонидан яратилган “Меҳмонхона хўжайини” номли сериал ўзбек оинаи жаҳони орқали намойиш қилинган эди. Аслиятда унинг “Grand Hotel” деб аталиши экранда намоеён бўларди. “Grand Hotel” нега “Меҳмонхона хўжайини” деб таржима қилинганлигининг сабабини тушуниш қийин. Шу фильм сценарийси муаллифи унга бекорга “Grand Hotel” номини бермаган. Унда шундай катта ва нуфузли меҳмонхонада фиску-фасод, фирибгарликлар авж олганлиги, ҳатто қотилликлар рўй бериб туриши тасвирланган. Бу ўринда “Grand Hotel” сўз бирикмасида киноя мавжуд. Таржимон эса уни “Меҳмонхона хўжайини” деб номлаб, биринчидан, кинояни йўқотган, иккинчидан, муаллифнинг ғоясига ўзгартириш киритган. Шунингдек сериал давомида меҳмонхона хўжайини уч марта ўзгаради, учаласи ҳам инсофсизликда, бойликка ўчликда бир биридан қолишмайди; таржимон қайси бирисини сарлавҳага чиқаргани номаълум. Фильм “Нуфузли меҳмонхона” ёки шунга ўхшаган ном билан аталиши ёки сарлавҳа транслитерация воситасида ўгирилиб, руслар таржима қилгандай, “Гранд Отель” тарзида берилиши мумкин эдики, бу муаллифнинг кинояли фикрини қайта ярата оларди.

Яна бир сериалнинг номланишига эътибор берайлик. АҚШ сценаристлари ижодига мансуб “Prison Break” фильми ўзбек тилига нима учундир “Панжара ортида” деб таржима қилинган. Ҳолбуки, “Prison Break” аслида “Қамоқдан қочиш” деб ўгирилиши керак эди ва сериалдаги воқеалар ҳам шу номга тўғри келади. Бундай мисоллар жуда кўп бўлиб, уларнинг таҳлилига, умумлашмасига бағишланган илмий ишлар фойдадан холи бўлмасди.

Хулоса шуки, бадиий таржимани адабиётшунослик муаммоларидан

ажратиб амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас. Бадий асар таржимонининг вазифаси фақат асар мазмунини, унинг тилини мутаносиб қайта яратишдан иборат бўлмай, балки муаллифнинг индивидуал услуби, унинг қайси адабий оқимга мансуб эканлигини ҳам акс эттира олишдир. Бунинг учун эса у фақат ўз миллий адабиётшунослиги билан чегараланмай, аслият тили адабиётшунослиги тараққиётини ҳам эътиборга олиши керак.

Адабиётлар:

1. Заболоцкий Н.А. Заметки переводчика. // В. кн.: Перевод – средство взаимного сближения народов. Сост. Клышко А.А. – Москва: Прогресс, 1987. – С.426-428.
2. Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода. – Москва: Высшая школа, 1983.
3. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
4. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – Москва: Просвещение, 1976.
5. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадийлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011..